

## **“Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни”**

Юртимиизда ҳар иили декабрь ойининг иккинчи якшанбаси “Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни” сифатида кенг нишонланади.

Таъбир жоиз бўлса, бу кун ризқ-рўзимиз бунёдкорлари – миришкор дехқон ва фермерлар, заҳматкаш чорвадор ҳамда пиллакорлар, моҳир сувчилар, механизатор ва агрономлар, соҳанинг жонкуяр ҳодимларига чуқур ҳурмат ва миннатдорчилик билдириш кунидир.

Шу муносабат бугун Бешариқ туманидаги “Якка Сарой” тантаналар саройида катта байрам тадбири қизғин нишонланди.

Тадбирда туман ҳокими Расулжон Жўраев сўзга чиқиб, йиғилганларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Мадхияси қабул қилинган кун, шунингдек, қишлоқ хўжалик ходимларини эришган муваффақиятлари, соҳадаги ютуқлари билан табриклиди.

Ризқ-рўзимиз бунёдкорлари – миришкор дехқон ва фермерлар, заҳматкаш чорвадор ва пиллакорлар, моҳир сувчи ва ирригаторлар, ўз ишининг ҳақиқий устаси бўлган механизатор ва агрономлар, соҳанинг жонкуяр олимлари ва мутахассисларига туман аҳли ва жамоатчилиги номидан миннатдорлик билдириди.

Ҳосил байрамида аграр соҳада фидойилик намунасини кўрсатаётган бир гурӯҳ тумандошларимизга “Илфор фермер” кўкрак нишонлари, туман ҳокимининг ташаккурномаси ва эсадалик соғалари тантанали тарзда топширилди.

Тадбирга туманда қишлоқ хўжалиги соҳасида юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликлари, кластерлар раҳбар-ходимлари, илфор томорқачилар, олимлар, сувчи-ирригаторлар, механизаторлар, агрономлар, қўйингки, тизимнинг энг фидойилари, шунингдек, кенг жамоатчилик таклиф этилди.

Расулжон Жўраев: Шу ўринда қишлоқ хўжалиги соҳасида замонавий бошқарув тизимларини жорий этишда кластерларимиз хизматини ҳам алоҳида эътироф этсак арзийди.

Кластерларимиз томонидан янги иш ўринлари яратилди. Мухтасар айтганда, Ҳурматли Президентимиз бошчиликларида соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида туманимизда қишлоқ хўжалиги соҳасидан юқори даромад манбайи олинмоқда дея таъкидлади. ундан ташқари, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган ва ишсиз фуқароларнинг даромадини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш мақсадида ғалладан бўшаган майдонлар туманимиз аҳолисининг айримларига ажратиб берилиди.

Шунингдек, ҳалқимиз турмуш даражасини янада яхшилаш мақсадида жорий йилда пахта ва ғалла ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларидан очиқ танлов асосида аҳолига узоқ йил муддатда ижарага бериш орқали аҳоли бандлиги таъминланди. уманимиз ва вилоятимизнинг таниқли санъат усталари томонидан намойиш этилган концепт дастури ҳосил байрами қатнашчиларига завқу шавқ улашди.

Бешариқ туман ҳокимлиги Ахборот хизмати

2023-12-11 10:13:16